



**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
МИСОЛИДА)**

Мадаминов З. Х

Фарғона давлат университети география кафедраси мудири, г.ф.ф.д(PhD)

Сатторов М.М

Фарғона давлат университети география йўналиши 4-курс талабаси

Аннотация: *Маълумки озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги билан узвий боғланган. Ушбу мақолада Фарғона вилояти қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва унинг ҳудудий таркиби таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *озиқ-овқат маҳсулотлари, истеъмол, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришнинг ўртача қийматлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдорий кўрсаткичи*

Annotation: *It is known that food production is inextricably linked with agriculture. This article analyzes food production in agriculture of the Fergana region and its territorial composition.*

Key words: *food products, consumption, average prices for food products, quantity of food products per capita.*

Маълумки мамлакат аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи тармоқлардан бири қишлоқ хўжалиги бўлиб, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг катта қисми маҳаллий қишлоқ хўжалигига боғлиқдир. Фарғона вилоятида 2021 йилда 28223,2 млрд сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилган.

Вилоят 2021 йилда 790,1 минг т донли экинлар, 354,4 минг тонна картошка, 1400,5 минг т сабзавот, 158,2 минг т полиз экинлари, 371,1 минг т мева, 181,7 минг т узум, 175,5 минг т гўшт, 1077,8 минг т сут, 590,9 минг дона тухум, 12,2 минг т тонна балиқ етиштирилган.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг ҳудудий таркибига кўра маъмурий бирликлар ўртасида фарқларни кўриш мумкин. Донли экинлар асосан Қўштепа, Бағдод, Бешариқ, Риштон туманлари етиштирилса, картошка етиштириш Бағдод, Қўштепа, Қува туманларида етиштирилишини кўришимиз мумкин. Олтиариқ, Риштон, Тошлоқ, Қўштепа туманлари сабзавот экинлари етиштиришда олдинги ўринларда туришини кўришимиз мумкин. Полиз экинлари етиштириша Қўштепа тумани бошқа туманларга нисбатан анча олдинда бўлиб, бу туман полиз экинлари етиштиришда ўзидан кейинги тумандан анча олдинда эканлигини кўришимиз мумкин. Мева етиштириш вилоятнинг



Фарғона, Қува, Риштон, Бағдод туманларида юксак ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан Фарғона тумани шафтоли ва олманинг турли туман навларини, Қува тумани анор, гилос каби меваларни етиштиришда нафақат вилоят балки Республикада ҳам етакчи ўринлардан бирида туради. Шунингдек Риштон тумани ўриклари ҳам анча машхур. Вилоятнинг Олтиариқ туманида деҳқончилигининг анъанавий соҳаси бўлган узум етиштириш жуда юқори даражада ривож топган бўлиб, туман бу борада Республикада етакчилардан ҳисобланади.

Шунингдек, Фарғона тумани гўшт ишлаб чиқаришда, Олтиариқ, Бешариқ, Фарғона туманлари сут ишлаб чиқаришда, Бешариқ, Данғара туманлари тухум етиштиришда, Ёзёвон, Бешариқ, Бағдод туманлари балиқ етиштиришда вилоятда етакчи ҳисобланишади(1-жадвал).

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва у билан аҳолини таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Вилоят маъмурий бирликлари табиий шароити, аҳолининг меҳнат малакаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва аҳолига етказиб беришда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Вилоят ҳудудининг асосий қисми текислик ҳудудларидан иборат бўлганлиги, фақат жанубий қисми тоғ ва тоғ олди, адирларнинг (Фарғона, Сўх, қисман Бешариқ, Олтиариқ, Қува туманлари) мавжудлиги ўзига хос ва мос қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни талаб этади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда маъмурий бирликлар ўрни таҳлили шуни кўрсатадики, Бағдод тумани қишлоқ хўжалигида (10 турдаги) озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришнинг ўртача қийматлари ҳисобланганда етакчи эканлигини кўришимиз мумкин. Бағдод туманида 10 та озиқ-овқат маҳсулотини етиштиришнинг ўртача қиймати энг паст, яъни 3,8 ни ташкил этди. Бағдод тумани 1 марта биринчи ўринни (картошка етиштиришда), 4 марта иккинчи ўринни (донли экинлар, полиз, гўшт, балиқ) эгаллаган. Туманнинг узум етиштириш кўрсаткичи энг паст бўлиб, бу маҳсулотни етиштиришдаи еттинчи ўрин туради.

1-жадвал

Фарғона вилояти қишлоқ хўжалигида айрим озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришнинг ҳудудий таркиби

(2021 йил, % ҳисобида)

| № | Маъмурий ҳудудий birlik | Донли экинлар | Картошка | Сабзавот | Полиз | Мева | Узум | Гўшт | Сут | Тухум | Балиқ |
|----|-------------------------|---------------|----------|----------|-------|------|------|------|-----|-------|-------|
| 1. | Фарғона ш | 0,3 | 1,5 | 1,0 | 0,2 | 1,4 | 0,4 | 5,4 | 1,2 | 6,4 | 1,5 |
| 2. | Марғилон ш | 0,0 | 0,8 | 0,7 | 0,0 | 1,7 | 2,1 | 3,1 | 0,6 | 1,6 | 0,0 |
| 3. | Қўқон ш | 0,2 | 1,2 | 0,3 | 0,0 | 0,3 | 0,2 | 1,0 | 0,5 | 1,1 | 0,0 |
| 4. | Қувасой ш | 1,2 | 4,0 | 2,3 | 1,5 | 14,0 | 2,7 | 4,8 | 3,8 | 8,1 | 0,3 |

| | туманлар: | | | | | | | | | | |
|------|------------|-----|------|------|------|------|------|------|-----|------|------|
| 5. | Бешариқ | 8,7 | 6,2 | 6,7 | 11,2 | 8,0 | 0,9 | 5,1 | 8,0 | 13,1 | 15,9 |
| 6. | Боғдод | 8,8 | 10,3 | 6,8 | 13,0 | 8,4 | 3,6 | 7,5 | 6,9 | 6,7 | 17,3 |
| 7. | Бувайда | 8,3 | 4,5 | 4,8 | 7,5 | 2,2 | 3,5 | 6,2 | 6,7 | 4,7 | 4,3 |
| 8. | Данғара | 7,9 | 3,8 | 3,8 | 3,3 | 2,1 | 3,8 | 5,0 | 7,4 | 7,7 | 5,3 |
| 9. | Ёзёвон | 6,7 | 5,8 | 3,3 | 2,6 | 1,5 | 2,6 | 2,7 | 3,9 | 3,6 | 24,4 |
| 10. | Қува | 6,3 | 8,8 | 7,3 | 5,4 | 9,4 | 3,6 | 6,1 | 7,0 | 3,6 | 5,1 |
| 11. | Қўштепа | 9,8 | 9,1 | 10,3 | 20,3 | 4,3 | 13,7 | 4,9 | 5,9 | 6,5 | 2,8 |
| 12. | Олтиариқ | 5,6 | 6,8 | 14,2 | 12,4 | 4,3 | 32,0 | 7,2 | 9,2 | 3,7 | 1,6 |
| 13. | Риштон | 8,7 | 3,9 | 11,2 | 6,4 | 8,6 | 2,7 | 5,3 | 5,8 | 4,2 | 2,5 |
| 14. | Сўх | 0,7 | 5,4 | 0,6 | 0,0 | 2,5 | 0,0 | 1,5 | 3,1 | 1,3 | 0,1 |
| 15. | Тошлоқ | 4,9 | 6,4 | 7,4 | 3,5 | 4,3 | 4,2 | 5,2 | 4,5 | 4,5 | 6,2 |
| 16. | Ўзбекистон | 5,0 | 7,9 | 5,6 | 6,6 | 6,5 | 9,8 | 5,8 | 6,8 | 5,3 | 1,4 |
| 17. | Учқўприк | 6,2 | 5,5 | 5,2 | 4,4 | 5,8 | 0,7 | 5,8 | 5,6 | 7,2 | 4,7 |
| 18. | Фарғона | 2,8 | 4,7 | 5,6 | 0,4 | 13,5 | 12,9 | 13,6 | 7,8 | 5,6 | 0,7 |
| 19. | Фурқат | 7,7 | 3,5 | 2,9 | 1,4 | 1,2 | 0,6 | 3,7 | 5,3 | 5,1 | 5,8 |
| Жами | | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |

Манба: Жадвал Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан яратилган

Маъмурий бирликлар ичида Олтиариқ тумани озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришнинг ўртача қийматлари ҳисобланганда энг кўп биринчи (3 марта) ўринни олган. Жумладан туман сабзаёт, узум, сут етиштиришда вилоятда биринчи ҳисобланишига қарамай, донли экинлар, тухум, мева, балиқ етиштиришдаги ўрни анча пастлиги сабаб, туман умумий рўйхатда 4 ўринни банд этган.

Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришнинг ўртача қийматлари ҳисоб-китобларига кўра Қўштепа тумани эгаллаган бўлиб, туман донли экинлар, полиз экинлари етиштиришда биринчи, картошка ва узум етиштиришда иккинчи ўринларни, сабзаёт етиштиришда учинчи ўринни эгаллаган бўлиб, ўртача қиймат 5,6 га тенг.

Вилоятнинг қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи учинчи тумани Бешариқ тумани бўлиб, туман тухум етиштиришда етакчиликни, сут етиштиришда иккинчи, донли экинлар ва балиқ етиштиришда учинчи ўринларни банд этган. Ўртача қиймат 5,8 га тенг.

Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришнинг ўртача қийматлари ҳисоб-китобларига Данғара (фақат тухум етиштиришда учинчи ўрин, Учқўприк, Қувасой шаҳри (фақат мева етиштиришда биринчи, тухумда учинчи), Ёзёвон (фақат балиқ етиштиришда биринчи), Фурқат туманлари паст кўрсаткичлар билан ажралиб турса, Фарғона шаҳри, Сўх тумани (фақат картошка етиштиришда 10 ўрин), Марғилон шаҳри, Қўқон шаҳарлари энг қуйи поғоналарни эгаллаган. Юқоридаги маълумотлар қишлоқ хўжалигида етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдорий кўрсаткичлари ҳисобланади. Ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдорий



кўрсаткичи вилоятнинг ўртача аҳоли жон бошига тўғри келувчи кўрсаткичлари билан солиштириш натижасида маъмурий бирликлар орасида турли туманликни кузатиш мумкин.

Жумладан, донли экинлар етиштириш вилоятнинг Бешариқ, Бағдод, Бувайди, Данғара, Фурқат, Қўштепа, Риштон, Ёзёвон туманларида туманларида вилоят аҳолиси жон бошига тўғри келувчи кўрсаткичлардан юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Қувасой шаҳри, Бағдод, Фурқат, Олтиариқ, Қўштепа, Қува, Сўх, Тошлоқ, Ёзёвон, Ўзбекистон туманларида картошка етиштириш аҳоли жон бошига тўғри келувчи вилоят кўрсаткичидан юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Сабзавот етиштиришда аҳоли жон бошига тўғри келадиган вилоят кўрсаткичидан юқори бўлган маъмурий бирликларга Бешариқ, Бағдод, Фарғона, Олтиариқ, Қўштепа. Қува, Риштон, Тошлоқ, Ўзбекистон туманлари кирса, Бешариқ, Бағдод, Бувайда, Олтиариқ, Қўштепа, Ўзбекистон туманларида полиз экинлари етиштириш вилоят кўрсаткичидан юқори натижаларга эга. Мева етиштиришнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи қийматлари Қувасой шаҳри, Бешариқ, Бағдод, Фарғона, Қува, Риштон, Ўзбекистон туманларида, узум етиштириш Фарғона, Олтиариқ, Қўштепа, Ўзбекистон туманлари ва Қувасой шаҳрида, гўшт етиштириш Қувасой шаҳри, Бағдод, Бувайда, Данғара, Фарғона, Фурқат, Олтиариқ туманларида, сут етиштириш Қувасой шаҳри ва Тошлоқ ва Учкўприк туманларидан ташқари барча туманларда, тухум етиштириш Қувасой шаҳри, Бешариқ, Бағдод, Данғара, Фурқат, Қўштепа, Учкўприк, Ёзёвон туманларида, балиқ етиштириш, Қувасой шаҳри, Бешариқ, Бағдод, Данғара, Фарғона, Фурқат, Олтиариқ, Қўштепа, Ёзёвон, Ўзбекистон туманларида вилоят кўрсаткичидан юқори натижаларга эга.

Умумий хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Фарғона вилояти қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш минтақанинг табиий шароити, рельефи, иқлими, аҳоли жойлашуви, демографик таркиби, унинг меҳнат малакаси ҳамда бозор таклифларини инобатга олиб таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

6. Madaminov, Z. K. (2020). PRODUCTION AND CONSUMPTION OF GOODS OF PEOPLE'S CONSUMPTION AS AN OBJECT OF GEOGRAPHICAL RESEARCHES. Экономика и социум, (1), 61-63.

7. Мадаминов, З. Х., Салиджанов, С. О., & Сабиоров, Т. С. (2019). ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ УСТРОЙСТВА ДЛЯ ПРОИЗВОДСТВА ТОВАРОВ НАРОДНОГО ПОТРЕБЛЕНИЯ В СИСТЕМЕ ПРИРОДА-НАСЕЛЕНИЕ-ХОЗЯЙСТВО (НА ПРИМЕРЕ КОМПЛЕКСНОЙ АГРОПРОМЫШЛЕННОСТИ). Экономика и социум, (10), 481-484.



8. Komilova, N. K., Hudayberganova, R. T., Murtazaev, I. B., Abdinazarova, H. O., & Madaminov, Z. H. (2019). Economic and geographic problems of improvement of industrial sectors and local structure of Uzbekistan. *J. Advanced Res. L. & Econ.*, 10, 1916.

9. Мадаминов, З. Х. (2019). ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПОТРЕБЛЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ. *Экономика и социум*, (10), 485-488.

10. Мадаминов, З. Х., Абдукаххоров, Л. Ш., & Алижонов, Н. У. (2022). ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 88-93.